



Кўксарой қароргоҳида Президент Шавкат Мирзиёев раислигида Хорижий инвесторлар кенгашининг иккинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Унда давлатимиз раҳбари нутқ сўзлади.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 3 май куни Тошкент халқаро инвестиция форуми ва Хорижий инвесторлар кенгаши мажлиси доирасида Америка – Ўзбекистон савдо палатаси раиси Кэролин Лэмм бошчилигидаги делегацияни қабул қилди. Учрашувда «Air Products», «CNH Industrial» ва «Silverleaf» компаниялари раҳбарлари ҳам иштирок этди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 3 май куни Кўксарой қароргоҳида учинчи Тошкент инвестиция форуми доирасида Хитойнинг етакчи компаниялари раҳбарлари билан учрашув ўтказди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 3 май куни Тошкент халқаро инвестиция форуми ва Хорижий инвесторлар кенгаши мажлиси доирасида Европанинг бир қатор етакчи компаниялари раҳбарлари билан учрашув ўтказди.

Учрашувда «Suez» компанияси раиси ва бош директори Сабрина Суссан, «Arsenale Group» компанияси бош директори Паоло Барлетта, «Airbus» корпорациясининг Европа бўйича президенти Йохан Пелисье ҳамда «Linde» компаниясининг Европа ва Яқин Шарқ бўйича президенти Оливер Пфанн қатнашди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 3 май куни иккинчи Тошкент халқаро инвестиция форумида иштирок этиш учун мамлакатимизда бўлиб турган Мисрнинг «Ogascom Investment Holding» компанияси раиси Нажиб Савирисни қабул қилди.



Президент Шавкат Мирзиёев 3 май куни ижтимоий хизматлар тизimini янада такомиллаштиришга оид тақлифлар тақдими билан танишди.

Yurt taraqqiyoti yo'liga birlashaylik!

Ishonch

- O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri
- Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan

Бойсунни кўрай деб келмоқда дунё...

Кўксимга урилди Бойсун шамоли,
Қирлардан Алпомиш бермоқда садо.
Бу кун мафтун этди юртим жамоли,
Бойсунни кўрай деб келмоқда дунё...

Бу санъат сайлига, ҳайрат сайлига
Олиб келар олам фаслларидан.
Келар кўрмоқ учун ўзбек санъатин
Дунёнинг муаззам манзилларидан.

Момолар тўқиган алвон гиламдай,
Бойсун баҳорлари чорлар оламини.
Қадим қўшиқларим самони қучди,
Чанқовуз таратди дилда ноламини.

Эй, азим тоғларим, ҳайбатларингиз
Юрагимга мангу ҳайрат солади.
Юртим, жамолингни кўрган баҳорлар,
Бағрингдан кетгиси келмай қолади.

Менинг кўксимдаги ифтихорларим,
Баҳор билан эгиз туганмас шомдир.
Бойсун баҳорига дунёни чорлаб,
Пешвоз чиқаётган Ўзбекистондир.

Дўмбира торидан оқади сирлар,
Таржимон керакмас эзгу ноламга.
Турналар тўлдирган осмоним билан,
Яхшилик тиладим ёруғ оламга.

Менинг кўксимдаги ифтихорларим,
Қалдирғоч ошиқдир эшикларимга.
Қуёш кириб келар алла сасидан,
Алпомишлар ётган бешикларимга.

Қирларда қизгалдоқ айтганда лапар,
Сулувлар қулгусин олиб қочар ел.
Алплар майдонларда сордай айланса,
Азим томошага чиқиб келар эл.

Минг йиллик тарих бу ўлмас удумлар,
Алпомишни берган улуг дoston бу.
Бойсун тоғларидан туриб дунёга,
Бойчечак узатган Ўзбекистон бу.

Шодмонқул САЛОМ



Маданият вазирлиги, Туризм қўмитаси ҳамда Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида Бойсун туманининг «Бибишарин» маҳалласида жойлашган туризм комплексидида «Бойсун баҳори» халқаро фольклор фестивали бўлиб ўтмоқда. Ушбу фестиваль тадбирлари 7 май кунигача давом этади.



ШАРТНОМА
ТУЗМАСДАН
ПУЛ УНДИРИШ
МУМКИНМИ?

ГУЛШАН КЎЧАСИ
НОМИГА
МУНОСИБМИ?

ТИББИЙ КЎРИК ҚАЧОН
БЕПУЛ БЎЛАДИ?

3



Тадбир

УЧ АВЛОД УЧРАШУВИ

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши Мудофаа вазирлиги билан ҳамкорликда «Уч авлод учрашуви» мавзуси доирасида маънавий тадбир ўтказди.

9 май – Хотира ва қадрлаш кўни муносабати билан ташкил этилган ушбу йиғида халқимизнинг Иккинчи жаҳон урушидаги иштироки, фронт ортидаги меҳнат қаҳрамонликлари, юртимизга эвакуация ва депортация қилинган турли миллат вакиллари, хусусан, болалар бағрикенглик билан кутиб олиниб, уларга кўрсатилган ғамхўрликлар яна бир бор ёдга олинди.

Машварат асноси йиғилганлар «Ғалаба боғи»да барча оналарга атаб қўйилган ҳайкал – «Матонат мадҳияси» ёдгорлик мажмуасига гулчамбар қўйди.

Амир АХМЕДОВ



Сурхондарё
вилояти

Фаолият

«БИР МУРОЖААТ – БИР НАТИЖА» ТАМОЙИЛИ АСОСИДА

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Узун тумани кенгаши тизимида бугунги кунда 105 та ташкилот бўлиб, 6 минг 470 нафар ходим уюшмага аъзодир. Шундан 4 минг 191 нафарини аёл, 1 минг 345 нафарини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади.

2023 йилнинг май ойида тумандаги барча таълим муассасаларида навбатдан ташқари умумий йиғилишлар ўтказилиб, 2025 йилгача бўлган муддатга жамоа шартномалари қабул қилинган эди. Ҳозирги кунда жамоа шартномаларининг барча бандлари бажарилишини таъминлаш бўйича самарали ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, «Бир мурожаат – бир натижа» тамойилига қатъий амал қилинмоқда. Хар бир мурожаат ўз вақтида қонуний ҳал этилмоқда. Масалан, ўтган йили 30 нафар педагог-ҳодим иш қўнлари ноконуний қисқартирилиб, иш ҳақи тўланмаётгани ҳақида ариза билан мурожаат қилган эди. Ушбу ҳолат ўрганилганда, ҳақиқатан ҳам бир қатор камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланди. Натижада туман касаба уюшмалари бўлинимаси томонидан иш берувчига тақдирнома қиритилди ва педагог-ҳодимларнинг ноконуний ушлаб қўлинган маблағлари ундириб берилди.

Кенгаш фаолиятида бундай миқдорларни қўлаб келтириш мумкин. Ишчи-ҳодимни қўлаб-қувватлашга, хар бир шикоятни ўз вақтида таҳлил қилиб, юзгага келган муаммоларни ижобий ҳал этишга бўлган саъй-ҳаракатлар муттасил ортиб бораётир.

Зайниддин ШЕРАЛИЕВ,

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Узун тумани кенгаши раиси



Навоий
вилояти

Тўғру

ТИНЧЛИК ҚАДРИНИ ҲИС ЭТДИМ

Ҳар бир қаричи азиз ва мўътабар заминда яшаётганингизни қачон ҳис қиласиз?..

Шаҳсан мен бу тўғруни бошланғич касаба кўмитамиз чорлови билан «Мозийга саёҳат» дастури доирасида Навоий давлат педагогика институтида ташкил этилган «Қатагон қурбонлари хотираси» музейига борганимда ҳис этганман.

Шу она тупроқ, Ватан, эрк учун ширин жонини тиккан аждодлар руҳини шод қилиш учун музейга борганлар кўп экан. Мен ҳам музей оstonасига қадам қўяр эканман, қатагон қурбони бўлган ҳадид боболаримиз, улўғларимизни кўз олдимга келтирдим.

Музейнинг биринчи зали миллий озодлик йўлида қурбон бўлган ҳамюртларимиз ҳақидаги маълумотлар, ҳужжатлар, суратлар ва буюмлар билан бойитилган экан.

Музей ходимлари бизни «Ўрта Осиёнинг чор Россияси томонидан босиб олиниши», «1930-1937 йиллар қатағони», «Пахта иши», «Мустақиллик йилларида тарихий адолатнинг тикланиши ва қатагон қурбонлари хотирасининг абадийлаштирилиши» каби қатор қизиқарли маълумотлар билан таништиришди.

Ватан тинчлиги ҳар нарсадан устун! Музейдан чиқар эканмиз, шундай тинч ва осуда юрда яшаётганимизга шукроналар айтилди.

Музейни ташкил этган фидойиларга раҳмат!

Бу маскандаги мозийдан сўзлаётган хар бир экспонат халқимиз тарихини чуқур англашда, бугунги дориломон кунларимизнинг қадрига етишда муҳим аҳамият касб этади.

Нилуфар ҚУВОНДИҚОВА

2 Ishonch

DAVR

Hayot velosiped haydashga o'xshaydi.

Muvozanatni saqlash uchun siz harakat qilishingiz kerak.

Albert EYNSHTEYN



Тошкент
шаҳри



Йиғилиш

ИНСОН МЕҲНАТИ МУДОМ ҲИМОЯДА БЎЛИШИ ЛОЗИМ

Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар бирлашган қўмитаси меҳнат муҳофазасига бағишлаб йиғилиш ўтказди.

Тадбирда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси масъуллари, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассислар ҳамда тармоқ касаба уюшмаларининг фаол аъзолари иштирок этишди.

Дилфуза ИСМОИЛОВА,

Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар бирлашган қўмитаси раиси:

– Бугунги кунда юздан ортик мамлакатда меҳнатни муҳофаза қилиш муаммоларига жамоатчилик эътиборини жалб қилишга қаратилган тадбирлар ўтказилмоқда. Улар, одатда, давлат органлари, касаба уюшмалари ташкилотлари, иш берувчилар ва меҳнатни муҳофаза қилиш соҳаси мутахассислари томонидан ташкил этилади.

Таъкидлаш жоизки, юртимизда меҳнат муҳофазаси бўйича қорхона ва ташкилотларда назорат-профилактика ишлари, ходимларни тиббий қўриқдан ўтказиш, иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жараҳатлаш хавфсизлиги нуктаи назаридан аттестациядан ўтказиш тизимли олиб борилмоқда.



Сардор КАБИРОВ,

«Modern Medicine Alliance» МЧЖ директори
ўринбосари:

лигига чалинишнинг олдини олишга қаратилган маърузалар тингланади. Маълумки, инсон 10 йилдан ортик зарарли меҳнат шароитида ишлаб, соғлиғига катта зиён етса, ўзи ишлаган қорхона унга умрининг охирига қадар нафақа тўлашга мажбур. Бу каби нохуш ҳолатларнинг олдини олиш учун эса ўз вақтида тиббий қўриқдан ўтиб турмоқ керак.

Меҳнат хавфсизлигини таъминлашнинг яна бир жиҳати иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жараҳатлаш хавфсизлиги бўйича аттестациядан ўтказиш ва ходимларга хавфсизлик йўл-йўриқларидан сабоқ бериш тизимини яратишдир.



Равшан МАҲАМАДАЛИЕВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерацияси Тошкент шаҳар
кенгаши вакили:

– Инсон меҳнат қилар экан, унга арзирли, қулай меҳнат шароитлари яратилиб, хавфсизлик чоралари таъминланиши керак. Меҳнат муҳофазаси низоҳатда жиддий масала. Фаолиятдаги нохушликларнинг олдини олиш учун олдимизда қатор вазифалар турибди. Аввало, тармоқнинг хар бир жамоасидаги меҳнат хавфсизлигини таъминлаш учун масъул ходимларни қайта ўқитиш мизмиз лозим. Токи, ишчи-ҳодимларнинг соғлиғи, хавфсизлиги ишончли қўлларда бўлсин.

Қўтарилган масалалар бўйича турли фикр-мулоҳазалар, таклифлареа бой ўтган йиғилиш қўпчилиқда катта таассурот қолдирди. Тадбир сўнггида тармоқ қорхона ва фирмаларининг фаол ишчи ва хизматчилари муносиб рабатлантирилди.

Умида ХУДОЙБЕРГАНОВА,
Эъзоза УМРЗОКОВА (фото),
«ISHONCH» мухбирлари



Самарқанд
вилояти

Хотира

УСТОЗНИ ЭСЛАБ...

Самарқанднинг ҳар гўшасида Шухрат Деҳқоновнинг изи бор. У кўп давраларда ташкилотчи раҳбар ва самимий дўст сифатида бот-бот эсланади. Чунки у Самарқанд вилоятида Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси етакчиси лавозимида ишлаган кезлари соҳа ходимларининг ижтимоий-иқтисодий ҳимоясини ташкил этиш учун астойдил жон куйдирганлардан бири эди.

Аслида, Тошкент вилояти Бекобод туманининг Хос қишлоғида туғилган Шухрат ака кўҳна диёр аҳлига бегона эмас. Қолаверса, нафақат раҳбар, балки етук шарқшунос, филолог, эроншунос, форс тили билмидони сифатида ҳам элга танилганди. У университетни тамамлагач, 1972-1975 йилларда армия сафида йигитлик бурчини ўтади. Илк меҳнат фаолиятини Бекобод шаҳар босма-хонасида мусаххихликдан бошлади. 1976-1980 йилларда эса Бекобод тумани комсомол кўмитаси бўлими мудири, халқ депутатлари Жиззах шаҳар Кенгаши ижроия қўмитасида ташкилий йўриқчилик бўлими мудири, котиб вазифаларида фаолият юритди. 1980-1981 йилларда заҳирадаги ҳарбий хизматчилар қатори қайтадан армияга сафарбар этилди. Бу сафар байналмилалчи аскар сифатида афғон халқининг тинчлиги йўлида курашди.

– Шухрат Деҳқонов низоҳатда камтар ва ташаббускор инсон эди, – дея эслади «Сиёвўш» ҳарбий ватанпарварлар уюшмаси раҳбари, Таълим ва фан

ҳодимлари касаба уюшмаси Самарқанд тумани кенгаши райоли Ботир Холияров. – У Гулобод кўргонида афғон урушида шахид кетган ҳамюртларимиз хотирасига бағишлаб ҳибоб барпо этиш гоёсини илгари сурганлардан бири бўлганди.

Юқорида тилга олинган учта вилоятда турли вазифаларда ишлаган Шухрат Деҳқонов касаба уюшмаларининг фидойи ходими саналарди ва умрининг сўнгги дамларигача шу ташкилот сафида қолди. У шогирдларига «Қийин ишда лаззат бўлади. Сизлар ҳамиша қийин ишни танланглр. Уни бажаргач, ўзингизга ишончингиз янада ортади ва янги-янги ишларга қўрқмасдан қўл урасизлар», деб уқтирарди.

Афсус, бугун орамизда устозимиз йўқ. Лекин унинг порлоқ хотираси доимо қалбимизда яшайди.

Ифтихор РАҲИМОВ,

Таълим ва фан ходимлари
касаба уюшмаси Республика
кенгашининг Самарқанд
вилояти бўйича масъул
ташкилотчиси



Бухоро
вилояти



Тараддуд

МАВСУМГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚАНДАЙ КЕЧМОҚДА?

Жорий йилнинг ёз мавсумида вилоятдаги барча оромгоҳларда 7-14 ёшгача бўлган жами 7200 нафар болани соғломлаштириш режалаштирилган. Уларнинг 3140 нафари болаларнинг дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаменти балансида бўлган 4 та оромгоҳга тўғри келади.

Департамент ишчи гуруҳи аъзолари томонидан барча стационар турдаги болалар дам олиш оромгоҳларида ёзги мавсумга тайёргарлик қўриш борасида амалга оширилаётган ишлар ўрганилди. Жумладан, оромгоҳларда болалар хавфсизлигини таъминлаш учун кузатув камералари ўрнатилган. Ётоқхоналар қаттиқ ва юмшоқ жихозлар билан таъминланган. Хар бир ётоқхонада 25-30 нафар болага мўлжалланган алоҳида қаравотлар, тумбочкалар, ойнаванд шкаф ва бошқа жихозлар ўрнатилган.

Ёзги ошхона биноси атрофи майин тўр билан ўралган, ички ва ташқи тарафлари тоза, ошхона барча анжомлар билан тўлдирилган, стол-стуллар билан таъминланган.

Муассасаларнинг ички қисмида ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Тунги ёриткичлар қайта қўриқдан ўтказилиб, янгисига алмаштирилмоқда.

Тиббий хоналар ҳам болажонлар учун керакли жихозлар билан таъминланган. Маъна-

вият ва маърифат хоналари, тўғрак хоналари ва кутубхоналар, компьютер хоналари ташкил этилган.

Намунали фаолият юритиш учун уларни малакали кадрлар – педагоглар, шифокорлар, спорт мураббийлари, етакчилар билан таъминлаш ҳамда ҳамкорликда мавсумни юқори савияда ўтказиш учун керакли ташкилот ва идоралар билан алоқалар ўрнатилди.

Ҳозирги пайтда барча оромгоҳларда «Яшил макон» лойиҳаси доирасида «Долзарб 40 кун» ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тадбирлари амалга оширилмоқда. Барча болалар дам олиш масканларида турли гул кўчатлари, манзарали ва мевали дарахт кўчатлари экилмоқда.

Фотима ҚУРБОНОВА,

Болаларнинг дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаментининг Бухоро ҳудудий бошқармаси бош мутахассиси

2024-YIL 4-MAY,

SHANBA

№ 55 (4963)

Мурожаат

1211 «Ишонч телефони»: КЎЗЛАРГА ҚАЛҚҚАН ҚУВОНЧ ЁШЛАРИ

Насиба Рўзиметова Урганч шаҳридаги Истиклол маҳалласида яшайди. Унинг уч нафар фарзанди бор, ўртанчаси Шохруҳга «туғма аутизм» ташхиси қўйилган. У гапиришда ҳам, ақлий ривожланишда ҳам тенгдошларидан ортда қолган. Шохруҳ ҳозир 12 ёшда. Аввалига, она-онаси уни оилавий шифокорлар тавсияси билан даволатиб юрди. Аммо болада ўзгариш бўлавермади.



Оила бошлиғи ижарага машина олган, таксичилик қилади, Насиба опа эса уй бекаси. Табиийки, болани чуқуროқ текшириб, муолажа олишга оиланинг имконияти етарли эмасди. Шифокорлар эса болага муолажалар олиш зарурлигини, ақс холда, унинг ҳолати баттар ёмонлашиши мумкинлигини айтишарди.

Шундай кунларнинг бирида маҳалладошларининг тавсияси билан Насиба опа Урганч шаҳар хотин-қизлар бўлимига борди. Фарзанди ҳақида гапирди. Масъуллар унга ҳоким ҳузурига киришни тавсия қилишди. Қўмакка муҳтож онанинг ҳолатини тушунган ҳоким Шохруҳнинг пойтахтдаги ихтисослашган клиникада даволашини учун 2021 йилда 7,5 миллион сўм, 2022 йилда 26 миллион сўм, 2023 йилда белгиланган 26 миллион сўмнинг 30 фоизини тўлаб берди. Айни кунларда қолган қисmini ҳам ўтказиб бериш ҳаракатида.

– Пойтахтда, ихтисослашган клиникада муолажаларни бошлаганимиздан кейин ўғлимнинг ҳолатида ижобий ўзгаришларни сеза бошладик, – дейди Насиба Рўзиметова. – Айниқса, сўнгги муолажалар олаётганимизда 12 ёшгача бирор марта гапирмаган болам «Она» деди. Уша пайтда хурсандчилигимдан кўзларимдан ёш чиқиб кетди.

Ҳа, бугун Шохруҳнинг ҳолатидаги ижобий ўзгаришлар унинг бутун оиласини хурсанд қилмоқда. Ажабмас, онаизорнинг «Фарзандим ўзини ўзи эплаб юрса, бирор хунар ўрганиб, келажакда бировга қўни қолмас» деган умидлари ушалса.

Шифокорларнинг айтишича, ўз вақтида кўрсатилган тиббий ёрдам туфайли бунга эришиш мумкин экан. Насиба опа эса, аввало, Президентимизга, Урганч шаҳар ҳокимига, сўнгра унга тўғри йўл кўрсатиб, фарзанди тақдирига бефарқ бўлмаган шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Барно Бердиева ва унинг ёрдамчиси Мадинахонга ҳамда барча шифокорларга газетамиз орқали ўз миннатдорчилигини билдирди. Халқ мурожаати учун ташкиллаштирилган «Ишонч» телефонлари бардавом бўлишига тилакдош эканини айтди.

Яна бир юртдошимиз Мунаввар Утамбаева Жиззах вилоятининг Ғаллаорол туманида яшайди. У қиска рақамли 1211 «Ишонч телефони»га кўнғироқ қилиб, турмуш ўртоғи Эргаш Утамбоевнинг «Property JDR» МЧЖда ишлагани, аммо иш ҳақини ололмаётганини айтиб, ушбу масалалар амалий ёрдам сўради. Комиссия мурожаатни йўналиши бўйича масъул ташкилот – Жиззах шаҳар камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимига йўналтирди. Тегишли мутахассислар томонидан масала ўрганилиб, МЧЖ раҳбарияти билан музокара олиб борилгач, Эргаш Утамбаевнинг тўланмаган иш ҳақи ундириб берилди.

Хайрон қоласан киши, оддий ишчининг 5 миллион сўмга яқин иш ҳақини бермасдан, қўзиб юриш учун инсон қанчалар субутсиз ва инсофсиз бўлиши керак? Қолаверса, ўзбекчиликда лафз деган нарсалар ҳам бор. Ҳамма ҳам оиласи, бола-чақаси, рўзгорини ўйлаб, камини тўлдирай, деб меҳнат қилади. Жиззах шаҳар бандликка кўмаклашиш маркази мутахассислари ҳам бу ҳақда «Property JDR» МЧЖ раҳбариятига тушунтиришди.

Умид қиламизки, тушунтиришлар бесамар кетмаган.

Зебо НАМОЗОВА,

Эъзоза УМРЗОКОВА (фото),
«ISHONCH» мухбирлари

